

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУСЛИМОВ ШЕРЗОД НАРЗУЛЛА ЎҒЛИ

**БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
ГРАФИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(технологик таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам
Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Pedagogical Sciences**

Муслимов Шерзод Нарзулла ўғли

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график
компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш.....3

Муслимов Шерзод Нарзулла угли

Совершенствование методики развития профессиональной графической
компетентности будущих учителей технологии.....23

Muslimov Sherzod Narzulla o'g'li

Methodology of development of professional graphic competence
in future teachers.....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУСЛИМОВ ШЕРЗОД НАРЗУЛЛА ЎҒЛИ

**БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
КАСБИЙ ГРАФИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(технологик таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped511 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Шарипов Шавкат Сафарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Химматалиев Дўстназар Омонович
педагогика фанлари доктори, профессор в.б

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.01.2020.ped.26.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил « 9 » сентябр соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-79-11; факс: (+998) 71-276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-254-92-02; факс: (+998) 71-215-54-20.

Диссертация автореферати 2020 йил « 30 » ноябр кунини тарқатилди.
(2020 йил « ___ » _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Джураев
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., профессор, академик

Р.Г.Исянов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Б.С.Абдуллаева
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда глобаллашув ва интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда технологик таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникация компетенцияларини ривожлантириш орқали касбий график компетентлигини такомиллаштиришга эҳтиёж кучаймоқда. Шу боис ЮНЕСКО нинг “Ўқитувчилар АКТ компетентлигининг таркибий тузилмаси”, “Барча таълим учун малакали ўқитувчилар” стратегик лойиҳаларида белгиланган меъёрлар ва халқаро стандартларга асосланиб, 3D ўлчамдаги рақамли технологияларни қўллаш, АКТ билан самарали ишлаш кўникмалари ва касбий график компетентликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиётида технология ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантиришда график билимлар, объектларнинг функционал ва конструктив ўзига хослигини билишга асосланган кўникма ва малакалар (компетенциялар)ни самарали қўллаш, график касбий йўналганлик ва фаолият тажрибаси, график ахборот технологиялари бўйича эркин ижодкорлик муҳитини яратиш, муваффақиятли касбий-педагогик фаолият, унинг аҳамияти ва муайян технологик масалаларга муносабат, технология ўқитувчиси йўл қўядиган хатоларнинг олдини олишга қаратилган коррекцион машқлар тизими алоҳида аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олий таълим муассасаларида технологик таълим йўналишида ўқитувчилар тайёрлайдиган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурларида конструкторлик, ишлаб чиқариш технологик ва коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёнида касбий график компетентликни ривожлантиришнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатимизда технологик таълим самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиб, таълим мазмунини лойиҳалаш, касбий график компетенцияларни тузилмаларга ажратиш, ўқитишнинг янги методик моделларини яратиш ва уларни таълим амалиётида қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим мазмунини модернизациялаш шароитида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларидан касбий график билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ва уларни технологик таълим жараёнида қўллаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Бунда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. –Б.39.

график компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш ҳамда касбий график фаолиятнинг репродуктив, продуктив ва креатив даражаларини пухта эгаллаши учун барча дидактик имкониятларни таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий малакали мутахассислар тайёрлаш ва ривожлантириш жараёни қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, Қ.Т.Олимов, Ў.Қ.Толипов, М.Б.Уразова, Р.Г.Исянов, Н.Н.Азизходжаева, Д.О.Ҳимматалиев, Ж.А.Ҳамидов, О.А.Қўйсинаев, Б.А.Назарова кабилар томонидан ўрганилган.

МДҲ мамлакатлари олимлари Л.В.Антропова, И.Р.Абсалямова, В.И.Байденко, И.Е.Брякова, В.П.Беспалько, А.А.Вербицкий, А.Д.Григорьев, И.Ф.Исаев, Э.Ф.Зеер, Л.В.Колясникова, С.Н.Мироненко, А.В.Хуторской, В.А.Сластёнин ва бошқалар касбий компетентликни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари бўйича изланишлар олиб борган.

Е.П.Вох, Г.А.Галенюк, С.В.Жилич, Г.М.Клочкова, Т.К.Мусалимов, Т.П.Петлина, А.В.Петухова, Н.В.Федотова, А.Абдурахмонов, И.Р.Абсалямова, Д.Ф.Кўчқарова, Ш.К.Муродов, У.А.Насритдинова, Т.Рихсибоев, Д.С.Саидахмедова, С.С.Сайдалиев, А.К.Хамрақулов, Ч.Т.Шокироваларнинг илмий ишларида бўлажак мутахассисларнинг айнан график тайёргарлиги ва график-конструкторлик компетентлигини ривожлантириш муаммолари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар Анжела Стоф, Бенжамин Блум, Брайан Кол, Драпеау Патти, Жаслин Голберг, Мерриэмбар Жерон педагогларнинг касбий тайёргарлиги, компетентлиги ва касбий-педагогик салоҳиятини ривожлантириш муаммоларига доир тадқиқотлар олиб борган.

Педагогика соҳасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ва график

тайёргарлигини шакллантириш ва ривожлантиришга оид қатор изланишлар олиб борилган бўлса-да, бўлажак технология ўқитувчисининг касбий график компетентлигини интерфаол методлар асосида ривожлантириш муаммоси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режаси А-1-141 – “Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида технология фанларини ўқитиш методикасини модулли-компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

тадқиқот муаммосининг ишланганлик даражасини ўрганиш асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини “3D мобил илова” дастурини жорий этиш орқали ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаш;

касбий график компетентликни ривожлантиришга қаратилган интерфаол таълим методларига (“менталит”, “студес”) асосланган методик таъминотни шакллантириш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш модели ва уни модулли-компетенциявий ёндашув асосида жорий этиш технологиясини ишлаб чиқиш;

технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлиги ривожланганлигини аниқлашнинг диагностик тизимини такомиллаштириш ҳамда интерфаол методлар асосида таълим жараёнига жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқот предмети олий таълим муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш мазмуни ва методикаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал қилишда педагогик, психологик, методик ва графика фанларига оид адабиётларни ўрганиш; назарий таҳлил; педагогик кузатиш; анкета; моделлаштириш, ташхислаш; педагогик тажриба-синов ва математик статистика методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график фаолият тузилмасининг функционал жиҳатлари (конструкциялаш, лойиҳалаш) ва компонентлари (мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли ва

рефлексив-баҳолаш) мазмуни **SMART** ва **STEAM** технологиялари асосида такомиллаштирилган;

модулли-компетенциявий ёндашув асосида талабаларни касбий график компетентликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ва инновацион таълим технологиялар ҳамда “менталит” ва “студес” интерфаол методлар уйғунлигида ўқитишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилган ва унинг педагогик жараёнга татбиқи электрон таълим ресурс базасидан фойдаланиш (видеодарслар, лойиҳалаш-конструкторлик ва график топшириқларни мажмуавий қўллаш) орқали такомиллаштирилган;

ташхислаш тизими ранг корреляцияси, дисперсион таҳлил, классик статистик ўлчов усуллариини интегратив мувофиқлаштириш орқали такомиллаштирилган ва бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлиги ривожланганлигини аниқлашга қаратилган (юқори, ўрта, паст) даражаларни баҳоловчи мезон ва курсаткичлар мазмуни ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик усул ва воситалари ишлаб чиқилиб, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” электрон ўқув қўлланмаси (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси №DGU 07744), “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан талабалар билимини баҳолаш учун ЭЎМ дастури (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси №DGU 08206), “Чизмачилик” электрон қўлланма (мобил илова) ЭЎМ дастури (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси №DGU 08816) яратилган ва педагогик амалиётга жорий қилинган;

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” номли ўқув қўлланма ва уни амалиётга жорий этиш бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

график компетентликни ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган ва ўқитиш жараёнида инновацион таълим технологиялари ҳамда “менталит” ва “студес” интерфаол методлар қўлланган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш моделини жорий этишда видеодарслар, лойиҳалаш-конструкторлик ва график топшириқлар тизими, “AutoCAD” дастурини қўллаш механизми тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари, шунингдек, амалиётчиларининг ишларига асослангани; тадқиқот вазифаларига мос келадиган, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методларининг қўллангани; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминлангани; олинган натижаларнинг ишончли математик статистика

методи ёрдамида таҳлил қилингани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани ҳамда эришилган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интерфаол таълим технологиялари ва методлари воситасида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг график компетентлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш механизми такомиллаштирилгани, интегратив модели ишлаб чиқилгани, технологик таълим йўналиши талабаларнинг касбий график компетентлигини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилгани ҳамда эришилган натижалар “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўзлаштиришда самарали натижалар қўлга киритилишига хизмат қилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

“Чизмачилик (3D ўлчамли модель)” дастурини жорий этиш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график фаолияти тузилмасининг функционал жиҳатлари (лойиҳалаш, конструкциялаш) ва (мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли ва рефлексив-баҳолаш) компонентлари мазмунини такомиллаштиришга оид таклифлар бакалавриятнинг 5112100 - Технологик таълим йўналиши учун “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фани буйича Давлат таълим стандарти ва малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1147 сонли маълумотномаси). Натижада, технологик таълим йўналиши талабаларининг мантиқий фикрлаши ва фазовий тасаввурларини кенгайтириш имконияти яратилган;

касбий график компетентликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ва ўқув-методик таъминоти инновацион таълим технологиялари ҳамда “менталит” ва “студес” интерфаол методлари интеграцияси ҳамда видеодарслар, лойиҳалаш-конструкторлик ва график топшириқлар тизимини мажмуавий қўллаш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштиришга оид таклифлардан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-141 “ОТМ педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш технологиялари” амалий грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1147 сонли сон маълумотномаси).

Натижада, бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида график компетентлигини ривожлантиришга эришилган; таъхислаш тизими ранг корреляцияси, классик статистик ўлчов усулларини интегратив мувофиқлаштириш, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлиги ривожланганлигини назорат қилиш ва баҳолашга оид таклифлар асосида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғи). Натижада, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлиги ривожланганлигини узлуксиз назорат қилиш технологияси асосида ўқув жараёни самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий-услубий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 3 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 3 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида чоп этилган. Республика интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган 3та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани, эълон қилингани, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик таҳлили**» деб номланган биринчи бобида замонавий шароитларда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган, технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик ва психологик омиллари талқин қилинган, технологик таълим ўқитувчиларида касбий график компетентликни ривожлантириш тизимини шакллантиришга оид асосий замонавий ёндашувлар ҳақида сўз юритилган.

Ҳозирги шароитда технологик таълим йўналиши битирувчиларидан қуйидаги сифатлар талаб қилинади: технологик ва педагогик билимларни таҳлил қилиш, янги ностандарт ғояларни илгари суриш, замонавий ишлаб чиқариш ва мактаб талабларига жавоб берадиган шарт-шароитлар, метод ва воситалар, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш.

Технологик таълим ўқитувчисидан ушбу сифатлар ва касбий-педагогик тайёргарликни шакллантириш қуйидагиларни тақозо этади: бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий ва шахсий шаклланишини таъминлашга қаратилган педагогик тизимни шакллантириш; педагогик жараёни ташкилий-бошқарув мақсадига мувофиқ тарзда ривожлантириб бориш; рефлексия.

Тадқиқот мавзусининг асосий ғоясига мувофиқ, мазкур йўналишда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш асосида “технологик таълимда компетенциявий ёндашув”, “компетентлик”, “касбий компетентлик”, “компетенция”, “график компетентлик”, “график-конструкторлик компетентлиги”, “касбий график компетентлик” каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳияти аниқлаштирилиб, педагогик нуқтаи назардан талқин қилинди ва улар ҳақидаги қарашлар умумлаштирилди.

Касбий график компетентлик – бўлажак мутахассиснинг тегишли технологик таълим йўналиши бўйича назарий билим, амалий кўникма ва малакалар, таълим жараёнида орттирилган шахсий ҳамда касбий сифатларга эгаллиги ва касбий фаолиятда уларни тўла намоён эта олишга тайёрлиги.

Тадқиқот доирасида бўлажак мутахассиснинг касбий график компетентлиги асосини ташкил этувчи сифатлар аниқланди (1-расмга қarang).



1-расм. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлиги асосини ташкил этувчи сифатлар

уларнинг амалиётга фаол татбиқида кўринади. Касбий график компетентликни ривожлантиришда қуйидаги тамойиллар устуворлик касб этади: илмийлик; изчиллик ва узвийлик; назария ва амалиёт бирлиги; фанлараро интеграция, ижтимоий тараққиётга мослик; таълим мазмунининг тушунарлилиги; кўргазмалилик; технологик, онглилик ва фаоллик; билимларнинг пухталиги; индивидуал, инновацион, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

Тадқиқот жараёнида график компетентлик асосини ташкил этувчи компетенциялар аниқланди. Булар: чизмаларни бажаришда стандарт ва қоидаларни қўллашга оид билимлар; кўникма, малакалар; фаолият усулларида амалий фойдаланиш; конструкторлик ҳужжатларини эркин юритиш ва улар билан ишлашда тезкор қарор қабул қилиш қобилияти.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлиги унинг интегратив сифати бўлиб, унинг эгаллаган технологик билими ва компетенциялари асосида деталлар, конструкциялар чизмаси, график ҳамда лойиҳалаш-конструкторлик ишларини амалга оширишга амалий тайёргарлигини характерлайди. Тадқиқот ишида бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигининг тузилмавий (мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш) компонентлари аниқланди ва такомиллаштирилди.

Мотивацион-қадриятли компонент ўз ичига қадриятли муносабатлар, қадриятли йўналганликлар, ўқув ва технологик фаолият мотивлари, бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг график компетентлиги асосини ташкил этувчи сифатлар, мустақил таълим олишга тайёргарликни қамраб олади;

когнитив компонент технологик фаолият ва ҳал этиладиган технологик масалалар мазмунини билиш, технологик маълумотларни излаш ва қабул қилиш жараёнини ўз ичига олади;

амалий-фаолиятли компонент технологик ва амалиётга йўналганлик кўникмалари, касбий график компетенциялар ва амалий касбий график тажрибадан таркиб топади;

рефлексив-баҳолаш компоненти бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график фаолиятга тайёргарлиги: ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, натижаларини баҳолаш, технологик масалаларга ижодий ёндашишни билдиради.

“Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлиги” тушунчасининг мазмун ва моҳияти, унинг тузилмавий-мазмуний компонентларини аниқлаш касбий график компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш имконини берди. Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигини шакллантиришнинг энг мақбул педагогик шарт-шароитларлари сифатида қуйидагилар белгиланди: талабаларда касбий график фаолиятга қизиқиш уйғотиш; график саводхонликни босқичма-босқич шакллантириш; таълим мазмунини интеграциялаш асосида талабларнинг ижодкорлигини ривожлантириш.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантириш методикаси “менталит” ва “студес” методларини интегратив қўллаш асосида такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари шакллантирилди, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий график компетентлик сифатларини (креатив ва продуктив даражада) ривожлантиришга қаратилган ўқув-методик таъминот ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” номли ўқув қўлланма ҳамда “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан талабалар билимини баҳолаш учун ЭҲМ дастури ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий график компетентлигини ривожлантириш мазмуни, метод, шакл ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш мазмуни, модулли-компетенциявий ёндашув асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий график компетентликни ривожлантириш методикаси, интерфаол методлар ёрдамида талабаларнинг технологик фаолиятга мотивациясини кучайтириш орқали касбий график компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари ёритилган.

Олий таълим муассасаларининг 5112100 – Технологик таълим йўналиши бўйича жорий этилган педагогик тизимни таҳлил қилиш ўқув фаолияти субъектини шакллантириш муаммоларини аниқлаш имконини берди. Технологик таълимнинг янги парадигмаси талабларидан келиб чиққан ҳолда технологик таълим сифатини янгича нуктаи назардан тушуниш, талқин қилиш бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий график компетентликни ривожлантириш методикасини модулли-компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Бунинг учун эса, аввало, педагогик фаолият мазмунини ўзгартириш, технологик таълим жараёнига модулли ва интерфаол таълим технологияларини жорий этишнинг педагогик асослари шакллантирилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантиришда ўқув машғулотлари, айниқса, амалий машғулотларни ташкил этишда таълим методларини тўғри танлаш, методикани пухта ўзлаштириш катта аҳамиятга эга. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда таълим методларини танлашда қуйидагиларга эътибор қаратилди: ўқитишнинг умумий мақсадлари; алоҳида ўқув фанининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари; ўқув фанини ўқитишдан кўзланган мақсад, вазифалар ҳамда ҳар бир алоҳида машғулот учун мўлжалланган ўқув материалининг мазмуни; ўқув материални ўрганиш учун ажратилган вақт ҳажми; талабаларнинг тайёргарлик даражаси, психологик ва физиологик кўрсаткичлари; ўқитиш жараёнининг ўқув, техник ва технологик жиҳозлар (ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар, техник, компьютер ва бошқа моддий воситалар) билан таъминланганлиги; педагогнинг технологик тайёргарлиги ва шахсий сифатлари даражаси.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантириш мазмунини белгилаш бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш модели таркибини аниқлаш имконини берди. Илмий тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ҳамда амалий педагогик тажрибадан келиб чиқиб, бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).


Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантириш модели мақсад (айни жараённинг мақсад ва вазифалари), педагогик жараён (таълим олувчилар ўқув-касбий фаолиятининг назарий, методик ва технологик жараёнлари), натижавий-баҳолаш компонентларидан ташкил топган.

Мақсад блокада Технологик таълим бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларида белгиланган технологик таълим мазмунининг зарур ва етарли ҳажмини эгаллаган, технологик таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган, мутахассислик фанларидан ўз билиминини чуқурлаштириб, технологик компетенцияларни пухта эгаллаган технологик таълим ўқитувчисини тайёрлаш вазифаси қўйилган. Касбий график (конструкторлик-технологик) компетентликни ривожлантириш бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида Давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар, иш берувчиларнинг таклифлари, фан, техника ва технологияларнинг ривожланиш тенденцияларини эътиборга ҳолда технологик билим, қўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни тақозо этади.

Педагогик-жараёнли блокнинг ташкил этувчилари сифатида қуйидагилар белгиланди: технологик тайёргарлик субъектлари, методологик ёндашувлар, касбий график компетентликни ривожлантиришга қаратилган технологик таълим муҳити (мақсад қўйиш, изланиш, таҳлил), касбий график компетентликни ривожлантириш (ташкилий, ривожлантирувчи, амалий, рефлексив, таҳлилий) босқичлари, педагогик технологияларни интегратив қўллаш, интерфаол ўқитиш методлари, таълим шакллари (назарий, амалий, индивидуал), таълим воситалари (график топшириқ тизимлари, компьютерли лойиҳалаш воситалари, машина деталлари ва механизмлар); бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари: компетентлик асосини ташкил этувчи сифатлар (мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли, ижодий), ўқув-методик таъминот.

Натижавий-баҳолаш блокада бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий график компетентликнинг ривожланганлигини баҳолаш (мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли, ижодий) ва даражалари (юқори, ўрта, паст) мезонлари танланди.

Педагогик тажриба-синов жараёнида “Балиқ скелети”, “Маълумотни визуаллаштириш”, “Бешинчиси ортиқча”, “Барча омилларни ҳисобга ол!”



2-расм. Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантириш модели

(БОҲО), “Синквейн”, “Уч саҳифали кундалик”, “Расмли топишмоқ”, “Мантиқий чалкаш занжир”, “Блиц-сўров”, “Таянч гуруҳлар” каби интерфаол методлар, шунингдек, самарали экани диссертант томонидан асосланган методлардан мақсадли фойдаланилди. Диссертант томонидан технологик таълим жараёнида “менталит” ва “студес” каби интерфаол методларни қўллаш самарали натижалар бериши аниқланди ва асосланди.

“Менталит” методини (французча *mentalité* – зеҳнлилик) қўллашда бевосита фан ўқитувчиси ёки маҳорат дарсини олиб бораётган модератор билан биргаликда чизма (тасвир)нинг айна бир вақтда ҳосил қилинишини таъминлаш орқали талабаларда график ва конструкторлик ишларини бажариш кўникма ва малакаларини ривожлантириш назарда тутилди.

Мусобақалашини характерига эга бўлган ушбу метод талабаларда технология фани асосларини чуқур ўзлаштиришга бўлган қизиқишни кучайтириш, ўқув-билиш фаоллигини ошириш, ахборот (ўқув маълумоти)ни тезкор қабул қилиш қобилиятини шакллантиришга ёрдам берди.

Ушбу методни кичик гуруҳларда ҳам, жамоавий ишлашда ҳам самарали қўллаш имкони яратилди. Уни қўллаш орқали кичик гуруҳлардаги ҳар бир талаба, шунингдек жамоанинг ҳар бир аъзосида касбий график компетентлик сифатларини шакллантириш имконияти юзага келтирилди. Шунга кўра, муҳандислик графикаси фани ўқитувчисига ўқув график топшириқларини кичик гуруҳлар ёки айрим талабалар учун индивидуал тайёрлаш таклиф этилди.

“Студес” методи (студес инглизча *studies* – тадқиқотлар) методини қўллаш асосида талабаларда график ижодкорлик малакалари ривожлантирилди, жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантирилди.

Кичик гуруҳларнинг изланувчанлик фаолияти бир неча босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда ҳар бир талаба ўзи учун қизиқарли бўлган мавзунини танлади ва тегишли мавзу билан ишлаётган кичик гуруҳга қўшилади. Иккинчи босқичда гуруҳ аъзолари мавзуга оид ўқув топшириқларини бажариш учун биргаликда режа тузади ва вазифалар гуруҳ аъзолари ўртасида ўзаро тақсимланади. Учинчи босқичда кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзига тааллуқли вазифани бажариш йўлида изланади: ахборот йиғди, маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилди, якуний хулосага келди, гуруҳдошлари билан ўзаро фикр алмашди, уларнинг мулоҳазалари асосида хулосани қайта кўриб чиқди. Тўртинчи босқичда кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси изланиш натижаси бўйича ҳисобот тайёрлади. Бешинчи босқичда ҳисоботлар асосида кичик гуруҳнинг тақдмоти тайёрланади. Олтинчи босқичда академик жамоада ҳар бир кичик гуруҳ фаолияти баҳоланади.

Тадқиқот давомида “студес” методи асосида кичик гуруҳларда қатор мавзулар (“Чизмачилик асбоблари, буюмлар ва мосламалар, стандарт ҳақида маълумотлар”, “Марказий ва параллел проекциялаш усули ва унинг хоссалари, геометрик шаклларнинг ортогонал проекциялари”. “Тўғри чизиқнинг ортогонал проекциялари”, “Текисликнинг берилиши ва проекциялари”) бўйича тақдмотлар ўтказилди ва натижа танланган мезонлар асосида баҳоланди. Технологик таълим жараёнида “менталит” ва

“студес” интерфаол методларини қўллаш самарали натижаларга эришиш имконини берди.

Диссертациянинг **“Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи бобида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлиги ривожланганлигини баҳолаш мезонлари, тажриба-синов ишларининг мазмуни, тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ҳамда натижаларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлили тўғрисида сўз юритилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари 2018-2020 йиллар мобайнида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти олиб борилди. Унда жами 302 нафар Технологик таълим йўналишида таҳсил олаётган талаба иштирок этди. Тадқиқот давомида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигининг (илмий ва илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш-технологик, лойихавий-конструкторлик, экспериментал-тадқиқий кўникма, малакаларининг) ривожланганлик даражасини ўрганишнинг таҳлилий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишига эътибор қаратилди. Бунинг учун эса мазкур ҳолат илмий-педагогик жиҳатдан ўрганилди ва натижаларни баҳолашга оид мезонлар (кўрсаткичлар) асосланди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Назарий билим ва график компетентлик сифатлари.
2. Чизмачилик асбоблари ёрдамида график-конструкторлик маҳсулотини тезкор яратиш қобилияти.
3. Муқобил (компьютер) дастурлари (технологиялари) асосида график-конструкторлик ишларини амалга ошириш ва ижодкорлик қобилияти.
4. Рақамли (3D) технологиялар ёрдамида график-конструкторлик маҳсулотларини яратиш.

Мазкур мезонларга (кўрсаткичларга) таянган ҳолда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг технологик билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини эгаллаш даража кўрсаткичлари аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Тадқиқот жараёнида тажриба ва назорат гуруҳларида ташхислаш ишлари тестлар, технологик масалалар, амалий дидактик топшириқлар, технологик вазифалар воситасида ўтказилди.

Тадқиқот ишлари натижаларининг ҳаққонийлигини амалда текшириб кўриш учун педагогик тажриба-синов ишлари ташкил қилинди. Педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва мақсади тадқиқот ишида таклиф қилинган шакл, метод ва воситалари ва уларни қўллаш натижаларининг нечоғлик тўғри эканига ишонч ҳосил қилишдан иборат бўлди.

Тажриба охирида эса талабалардан Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанидан оралиқ назорат ишлари ва саволномалар, синовлар, шунингдек, амалий ишларни бажаришда электрон таълим тренажерларидан фойдаланиб ташкил этилган машғулотларда эгалланган билим ва кўникмаларни баҳолаш тадқиқот мазмунига мос ҳолда танланган мезонлар

Ўзлаштириш даражаси кўрсаткичлари

Даражалари	Баҳолаш мезонлари
Юқори (креатив)	Назарий билим ва график компетентлик сифатларига эгаликни тўла намоён қила олади; чизмачилик асбоблари ёрдамида графикавий-конструкторлик маҳсулотни тезкор яратиш қобилияти изчил намоён бўлади; муқобил (компьютер) дастурлари (технологиялар) асосида графикавий-конструкторлик маҳсулотни эркин яратиш қобилияти зарур вазиятларда намоён бўлади; баъзан рақамли (3D ўлчамдаги) технологиялар ёрдамида графикавий-конструкторлик маҳсулотни яратиш қобилияти кўзга ташланади
Ўрта (продуктив)	Назарий билим ва график компетентлик сифатларга эгаликни ўқув дастури талабларига мувофиқ намоён қила олади; чизмачилик асбоблари ёрдамида графикавий-конструкторлик маҳсулотни тезкор бўлмасида, белгиланган талабга кўра сифатли ярата олади; муқобил (компьютер) дастурлари (технологиялар) асосида графикавий-конструкторлик маҳсулотни яратишда баъзан қийинчиликларга дуч келади; рақамли (3D ўлчамдаги) технологиялар ёрдамида графикавий-конструкторлик маҳсулотни яратишда фаоллик кўрсата олмайди
Паст (репродуктив)	Назарий билим ва график компетентлик сифатларга эгаликни намоён қилишда ўқув дастури талабларини бажаришга интилади; чизмачилик асбоблари ёрдамида графикавий-конструкторлик маҳсулотни яратишга уринса-да, кўп ҳолатларда хатоларга йўл қўяди; муқобил (компьютер) дастурлари (технологиялар) асосида графикавий-конструкторлик маҳсулотни ярата олиш ишда деярли қийинчиликларга дуч келади; рақамли (3D ўлчамдаги) технологиялар ёрдамида графикавий-конструкторлик маҳсулотни яратиш тажрибасига эга эмас

ёрдамида амалга оширилди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижалари 2 ўқув йилида тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида ва охирида ўтказилган назорат ишлари асосида ифодаланган (2-жадвалга қаранг).

